

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
31 август  
ЧОРШАНБА

№ 69  
(12.393)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ВА БУЊЕДКОРЛИК САЛОҲИАТИНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов 28 август кўни Тошкентдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди

Истиклолнинг ҳар бир йили улғун бўлди. 2011 йили ҳам шундай бўлади. Президентимиз Ислам Каримов 28 август кўни Тошкентдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди. Президентимиз Ислам Каримов 28 август кўни Тошкентдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Мазкур йирик қўшма корхонага давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган ҳорихий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" корхонасини ташкил қилишга оид қарори асосида пойдевор қўйилган эди. Умумий қиймати 521,8 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида юртимизда ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди. Бундай корхоналар дунёнинг санокли мамлакатидоғина мавжуд.

Янги корхона 40 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, шундан 44,7 минг квадрат метрида бевосита ишлаб чиқариш қўвватлари жойлашган. Қўшма корхонада йилга 1,5 литр (115 от кучига эга) ва 1,2 литр (82 от кучига эга) сизимдаги 225 минг дона BDOHC янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилади. Кичик ҳажмдаги двигателларнинг бу янги авлодлари "General Motors" томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу компаниянинг глобал моделларига ўрнатилади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки "GM"нинг глобал тармоғига кирувчи ҳорихдаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади. Ҳозирнинг ўзидаги "General Motors Powertrain Uzbekistan"га "GM"нинг глобал тармоғидаги ўнга яқин автомобиль йиғувчи корхоналардан буюртмалар тушгани бу фикрнинг

ёрқин далилидир. Айни пайтда қўшма корхонада ялпи ишлаб чиқариш бўйича маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоизни ташкил этади. Юртимизда ишлаб чиқарилган двигателлар ўрнатилиши натижасида "GM Uzbekistan" маҳсулотларининг қўшимча қийматида маҳаллийлаштириш улуши 82 фоизга етади. Давлатимиз раҳбари корхонада фаолият кўрсатаётган ҳорихлик мутахассислар, мамлакатимиз ёшлари билан сўхбатлашди.

— Ушбу йирик лойиҳа истиклол йилларида асос солинган мамлакатимиз автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожига янги қадамдир, — деди Ислам Каримов. — Замоनावий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган мана шундай мураккаб ишлаб чиқариш объектларида ёшларимизнинг меҳнат қилаётгани ҳаммамизга катта қувонч бағишлайди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда 1200 киши иш билан таъминланади. Айни пайтда 450 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси ҳорихлик мутахассислар иштирокида ўқитилиб, билим ва кўникмалари оширилди. Хусусан, юртимизнинг 120 нафар ёшлари "General Motors"нинг АҚШ, Германия, Австрия, Ҳиндистон, Жанубий Кореядаги заводларида малака оширди.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ



## ҲАР БИР ҚАДАМ — ЖАСОРАТ

"Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор Фармонов Қосимовчи Фармоновнинг шахсий варақасидаги бир гани ўқидим-у, юқоридоғи мулоҳазалар ҳаёлимдан кечди. Расмий ҳужжатдан: "Чуқур муҳандислик билимларига эга мутахассис, яхши ташкилотчилик қобилиятига эга, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган талабчан ва жасур раҳбар".

Эзлик уч ёшида бундай фазилатларни орттириш, ҳар қандай шароитда уларга содиқ қолиб яшаш ва меҳнат қилиш осон келгани йўқ. Уни босқичма-босқич кўтариб, бу даражага олиб келган ҳақ-ўйлик, ишчи сўзининг қадрини, ўзига ва атрофдағиларга ишончини Фармонов отасидан ўрганган. Бекобод цемент комбинатинида кўп йиллар айланма печь машинистини бўлиб ишлаб, Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Қосим ака ўғитларига амал қилиб яшади. Ота ҳаммаша ишчи синфига садоқат, меҳнат қилишининг ишончилигига муносиб бўлиб яшаш ҳақида сўзларди.

80-йилларнинг бошларида бирор муддат "Ўзметкомбинат" да катта муҳандис бўлиб ишлаган Фармоновнинг меҳнат фаолияти цемент саноати билан боғланди. Дастлаб Бекобод цемент комбинатинида таъмирлаш-қурилиш цехига раҳбарлик

қилди. Кейин қувур-шифер цехини бошқарди. 1985 йилдан кейинги етти йил давомида мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири — Бекобод цемент комбинатини бошқарди. Лекин ҳеч қачон, ҳатто, мустақилликка эришилган дастлабки йили "Ўзбекизуриллишматериаллари" давлат концерни раисининг ўринбосари вазифасига тайинланганида ҳам "кабинет кишини"га айланмади. Ҳолбуки, ёш, гайрат-шижоатли, амалий ишда чиниққан, Бекобод аҳолисининг эътирофини қозониб, 1990 йили Олий Кенгаш депутатлигига сайланган Фармонов олдидоғи амал пиллапоялари бўйлаб кўтарилишининг кенг истикболлари очилаётган эди. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб янгиланиш шабадларини эса бошлаган кезлари у яна корхона раҳбарлигига қайтди. Ушбу мураккаб пайтларда унинг сиёсий етуқ, жонқуяр ва иродали раҳбар бўлиб шаклланди ва ёрқин намоён бўлди.

Ишонни таниш учун унинг хатти-ҳаракатлари, ҳаётдаги кескин бурилиш нуқталарида ўзини қандай тутганини назардан ўтказиш kifоя. Ўз ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олган, орзу-истакларини рўёбга чиқаришда бурч ва виждон уйғунлигига эришган кишилар турли тўсиқ, қийинчилик ва зиддиятлар қаршида тоб ташламай, сабр-матонат билан илгариллаб боравердилар ва ўз мақсадларига етишдилар.

— Мен, оддий бир ишчининг ўғли, ниҳоятда бахтирман, — деган эди бир сўхбат чоғида Александр Қосимович. — Нера дейсизми? Ахир, мамлакатимиз мустақиллигини халқ депутатлари каторида туриб эълон қилиш, суверен Республика Конституцияси, Давлат маҳкуми, Давлат байроғини қабул қилиш жараёнида қатнашиш, мустақил Ўзбекистонимиз конуларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этишдан ҳам ортиқ бахт борми?!

Ниҳоят, орадан ўн тўрт йил ўтиб, Фармонов "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарувининг раиси — бош директор маконига қайтди. Дастлабки кунлари ишлаб чиқариш участкаларини айланиб, ахвол билан атрофлича танишиди. Мутахассислар, цех

раҳбарлари билан ўтказилган икки-уч кенгашдаёқ ишни нималардан бошлаш, куч ва маблағларни қайси йўналишларга ташлаш лозимлигини аниқлаб олди.

Ишлар дарҳол юришиб кетди, дейиш хато бўлади. Аммо, аниқ режаларни амалга ошириш йўлида қатъий, изчил саъй-ҳаракатлар бошланди. Дастлаб металлнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва рақобатбардошлигини таъминловчи ДСП-100 печлари ўрнатилиб, электрда пўлат эритиш цехини қайта ускуналашга киришилди.

Уша йиллари мамлакат рангли металлургия корхоналарида бир муаммо пайдо бўлди. Четдан кўп валюта маблағлари сарфлаб сотиб олинган маъданларни майдалаш соққалари таъминотида узилиш бошланди. Ҳолбуки, Олмалик кон-металлургия комбинати бундай соққаларсиз ишлаб олмасди. Уларни Бекободда ишлаб чиқаришни ташкил этиш фикри кимда, қачон туғилганлигини, эҳтимом, бугун аниқ айтиш қийин. Бирок, янгиликка ўч, ташаббускор Фармонов бу ишга ўзига хос шижоат билан киришди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: "ОКМК" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор, Ўзбекистон Қаҳрамони Александр Фармонов ҳаммаша одамлар орасида. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

### ДИЛ ИЗҲОРИ

## ТАЪЛИМ ГРАНТИГА ЭГА БЎЛДИМ

Мустақил дийримнинг кенг ва фаровон кўчаларида кезар эканман, кундан-кунга чирой очиб борётган Ватан жамолига боқиб, юртдошларимнинг қалбидоғи қувончини, кўзидоғи севинчини кўриб, беихтиёр Яратганга беадоғи шукроналар айтаман.

Мустақиллик арафасида, муборак рўза кунларида таллабалик бахтига мўяссар бўлган тендошларимни кўриб, менинг ҳам қалбимда ҳажрон ҳисси жўшурди. Чунки мен ҳам ўтган йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси бўлиш бахтига мушарраф бўлганман.

Шартнома асосида ўқишга кирганим боис мен "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми ва "Меҳр нури" жамғармалари таъсис этган "Таълим грантлари дастури" да иштирок этдим ва барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, голийлиқни қўлга киритдим. Юртимизнинг улғун шодибанаси арафасида кўпгина иқтисодий ёшлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми (Фонд Форум) ташкил этган "Media-Cap" (ёш журналистлар учун махсус ўқув оромгоҳи)га йўл олдидлар. Албатта, улар орасида мен ҳам борлигим ота-онам, яқинларим учун энг катта байрам совғаси бўлди. Бу воқеа мен учун катта тажриба мактаби бўлди, деган умиддаман.

Феруза АЛИКУЛОВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

### БАҒИШЛОВ

## УЛУҒ КҮН

Илк мамал тошинги қўйганлар ҳақиқи, Ватаним — шаъмин деб суйганлар ҳақиқи, Ҳурликнинг бол таъмин тўйганлар ҳақиқи, бир дилдор сўз излаб бедорман, Ватан!

Жонга жон юртига фидолар ҳақиқи, улуғлар қўл очган дуолар ҳақиқи, эл башига қўнган Ҳумолар ҳақиқи, аввал бир бор эдим, минг борман, Ватан!

Чўлоп — ёруғ юлдуз кўкда порлаган, Қодир — тирик Сўз ҳақиқи чорлаган, Раббим Валилардан ҳўб ёрлақанган, ожиз деб ким айтди — киборман, Ватан!

Меҳрини онамдай гул қилиб эккан, отамдай топанни ўртага тўккан, мардолари ор учун жонини тиккан... Илдизи минг қулоч чинорман, Ватан!

Ғанимлар бўғида ҳамон чўғ, ёниш... Пайт пойлаб, санчмоққа қайраб турар иш... Мен эса баралла қиларман хонш: Тенгиз кўдратинга иқроман, Ватан!

Озорлар унутмас — оғриги сым-сим... Бу кўзлар нур дуолаб қорайган тим-тим... Айтинг, энди қандоқ яшаб бўлар жим — қишдан омон чиққан баҳорман, Ватан!

Не улғун кун бу кун? Уфқда оқ нур... Оқ отда элим деб бир ўғлон келур. Ув-в, унинг

руҳида Темуру уйғунур! Мен шундай толега чин ёрман, Ватан!

Муҳаббат меросидир Мохоммадован. Ишқ сўраб ўтиндим қодир Ҳудодан: жудо айламагил шу юрт-маъводан... Қанча севсам, шунча хуморман, Ватан!

Бағригидоғи тоғлар ҳам нозилиб отар — қучса қучоғига гулчалар ботар. Ило, қузғунлардан етмасин хатар... Садоқат жонингман — туморман, Ватан!

Сўз — ҳикмат булоғи, дардин аратгай, Ой — тангри чиройи, тунни ёритгай. Бар қувонч минг йиллик тамни қаратгай — мадҳингга битилган ашворман, Ватан!

Пойингга ким гул-у, кимлар тош отур... Билмайин руҳида шерин уйғотур. Тоғ десам, ёнбошла-а-аб Алтомши ётур... Аждодлардан мерос шаҳд, орман, Ватан!

Яхшилар тўйинини тўйлаб келурлар. Бўйларини бўйинга бўйлаб келурлар. Вале бодиятлар ўйлаб келурлар... Она бурғут мисол хуш-ёрман, Ватан!

Элим деб бағри минг қуёғим ўзинг, эртаси улуғвор, буюғим ўзинг. Ҳаммадан, ҳаммадан сууюғим ўзинг... Буор, хазматингга тайёрман, Ватан!!!

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

## ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРЛДИ

Қумовулдаги Маънавият, маърифат ва маданият марказининг муҳташам саройи душанба кўни ҳар қачонгидан тантанали тус олиб, ниҳоятда гавжум бўлди. Вилоятимиз фаоллари, маҳаллий бошқарув,

хўжалик ва бошқа идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳалар илгорлари энг улғун, энг азиз байрам арафасида бу ерга тақлиф қилиндилар.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов йирилганлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан самимий қутлади. Шу ёрқин байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 20 йил" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ иқтисодиёт, таълим-тарбия, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳа-

ларни ривожлантириш, давлатимиз мувоффақ қудратини таъҳкамлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, баркамол янги авлоднинг тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган кўплаб вилоятдошларимизга "Ўзбекистон мустақиллиги 20 йил" эсдалик нишонлари топширилди. — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнидаги самарали меҳнатларини эътибор билан эсдалик нишонлари билан тақдирланди, — деди пировардида вилоят ҳокими. — Шу муборак байрам арафасида ҳаммамизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақият тилаймиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конуничилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров қатнашди.



СУРАТЛАРДА: эсдалик нишонларини топшириш пайти. Еркебой БОТИРОВ ва Даврон АХМАД олган суратлар.






Бу савдо корхонасининг 21 та аҳоли пунктида турли шохобчалари бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилади. Кишлоқ аҳлининг кундалик эҳтиёжидagi ун, ёғ, шакар, макарон маҳсулотлари бу шохобчаларда доимо мавжуд. Шу кунгача аҳолига 570 тоннадан зиёд пахта ёғи, 2800 тоннадан зиёд ун сотилди.

— Киш мавсумига озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам ҳозирлик кўряпмиз, — дейди жамият раҳбари Мирзокир Фозилов. — Шу мақсадда картошка, пизё ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш юзасидан фермер хўжаликлари билан шартнома тузди. Бу маҳсулотларни кишга саклаш учун зарур омборхоналарга эгамиз.

Савдо корхонасида режали иш юритилиши туфайли хизмат турлари кўпайиб бормоқда. Туябўғиз шаҳарчасида бир кунда 4 минг дона қолипчи нон ишлаб чиқарувчи кичик цех ишга тушди. Россиянинг "Восход" корхонасида ишлаб чиқарилган ускуналарда тайёрланаётган нонлар мазаси ва сифати билан аҳолига манзур бўлмоқда. Ишлатилмай ётган эски дўкон биноси қайта таъмирланиб, бу новвойхона фаолиятини бошлагач, 12 йигит-киз иш билан таъминланди. Истиқлол кишлоғидаги "Айронтепа" маҳалласида пластик карточкаларда хизмат кўрсатувчи замонавий кўринишга эга гўшт дўкони ишга тушиши ҳам ҳаридорлар учун яна бир қўлайлик бўлди.



Шуниси қувончлики, Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб ютуқлар билан қутиб олишга ҳаракат қилаётган савдо корхонаси жамоаси Қорасув кишлоғида 100 ўринли янги ошхонани ишга туширди. Ошхонага Россиядаги "Veniks" фирмасининг 42 миллион сўмлик замонавий буюм ва жиҳозлари ўрнатилди. Яна шунини таъкидлаш жоизки, шу ҳудудда битта минн маркет дўкони ишга туширилди. Жорий йилнинг ўтган даври давомида янги шохобчалар

Мамлакатимиз бўйлаб байрам руҳи кезмоқда. Ҳар бир гўшада, ҳар бир жамоа ва оилада шодиёналик нафаси уфурди.

Халқимизда тўйга, байрамга тайёргарлик кўриб, тўёна билан боришдек азалий удум борки, бу фазилатни улуғлаган ҳар бир фуқаро, оддий деҳқону тadbиркор, фермердан тортиб, улкан меҳнат жамоала-

ригача Истиқлол байрамини муносиб ютуқлар билан қутиб олишга бигани қувончлидир. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тўйтепа улгуржи савдо" масъулияти чекланган жамият жамоаси ҳам йил бошидан бундан энг улуғ, энг азиз байрамимизни ишда самарали натижалар билан қутиб олиш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқда.



ми арафасида бу жамоа яна бир хайрли ишни амалга оширди. Кам таъминланган оилалар, етим болалар, ногиронлар учун "Арча" қаҳвахонасида 200 кишига байрам дастурхони безатилиб, совға-саломлар улашилди.

— 49-Тўйтепа сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатимиз Мирзокир Фозиловнинг фаолиятидан жуда мамнунмиз, — дейди Тўйтепа шаҳридаги Ҳ. Олимжон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Муяссар Раҳматхўжаева. — У маҳалламизда сайловчилар билан учрашув ўтказди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари асосида мутасадди ташкилотларга сўровномалар киритди.

Депутат М. Фозилов фаолияти тўғрисида сайловчилар қониқиш билан яхши фикрлар билдиришди. У доимо одамлар орасида. Улар билан ҳамнафас, қувончу ташвишлари га шерик. Истиқлол кишлоғи Тўйтепа шаҳри Муқимий маҳалласидаги сайловчилар билан учрашуви ишчанлик ва самимий тарзда ўтгани бунга мисодир.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

**СУРАТЛАРДА:** Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, "Тўйтепа улгуржи савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирзокир Фозилов (чапдан иккинчи) сайловчилар билан мулоқот пайтида; жамиятнинг савдо шохобчалари доимо эл-юрт хизматида; тумандаги нуронийлар ҳамнаша эътиборда.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

## ЭЛ ХИЗМАТИДА БЎЛИШ ЭЪТИРОФСИЗ ҚОЛМАЙДИ



қуриб, иш жойлари яратиш ҳисобига 26 киши иш билан таъминланди.

Жамоада бундай хайрли янги лойиҳалар устида яна иш олиб борилмоқда. Яъни йил охиригача Тўйтепа шаҳри, Қумовул, Янги ҳаёт, Ангор, Уйшин кишлоқларида 6 та озиқ-овқат дўкони қуриб, ишга тушириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Меҳр-муруват, саховатпешалиқ халқимизга хос фазилат. Ушбу савдо корхонасида ҳам ижтимоий ёрдамга

# «Тўйтепа улгуржи савдо» МЧЖ

жамоаси вилоят аҳлини  
Ўзбекистон Мустақиллигининг

муборак 20 йиллик  
шодиёнаси ва

Рамазон хайити

билан қутлайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
оилавий бахт, ишларингизга  
муваффақиятлар тилаймиз.

Юртимиз доимо тинч,  
осмонимиз мусаффао бўлсин!



# РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсинки, саховат, меҳрибонлик, инсонийлик фазилатларини ўзида муржабам этган муқаддас Рамазон ойи ибодатларини тинчлик ва хотиржамлик билан адо этиб, мана бугун, муборак Рамазон ҳайитини истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами билан бирин-кетин қарши олмақдамиз. Бу

йилги Рамазон ҳайитини Ватанимиз Истиқлолнинг 20 йиллик байрами арафасида нишонлашимиз барчамизга ўзгача бир ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Шу боис ҳам бугун шаҳар-қишлоқларимиз, маҳалла-қўй ва хонадонларимизда ўзгача бир тароват, хотиржамлик, меҳр-муруват ва баррикентлик руҳи мужжасам.

Рамазон ойи шуниси билан нихоятда фазилатли кечдики, бу ойда ватандошларимиз рўза ойи ибодатларини эмин-эркин адо этиш, икки мингдан ортик масжидларимизда таровەх намозларини ўқиш ҳамда мустақил юртимизнинг янада тараққий топишини тилаб дуои хайрлар қилиш бахтига мушарраф бўлди. Дўёримиз мусулмонлари бу ойни тоат-ибодат, сабр-бардош, яхшилик ва меҳр-муруват кўрсатиш билан ўтказдилар.

Юртимизда Рамазон ҳайити қадимдан халқимизга хос меҳр ва муруват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): "Кимки бир мусулмоннинг дунё қайгуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайгуларидан бирини кетказди. Кимки дунёда бир қийналган биродарининг огирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги огирини енгил қилади. Бир банд бошқа бандга ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади", деганлар.

Муборак Рамазон ойи аён-аналариға содиқ қолиб, саховатпеша кишиларимиз Аллоҳнинг улурга берган неъматларидан хайр-аҳсон қилиб, ахтиржамд ва боқувчисини йўқотганларга, беморларга, меҳрибонлик уйларига, толиби илмларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатдилар. Зеро, Рамазон ойи хайру саховат ойдир. Ислому таълимотида хайру саховат таълимида кўп маъноларни акс эттирган. Масалан, айрим кишилар маънавий ёрдамга муҳтож бўладилар. Уларга қийин сўзларни айтиб, кўнгилни кўтариш билан меҳр кўрсатса, моддий томондан қийинчиликка учраган баъзи кишиларга эса қўлимиздан келганча моддий ёрдам бериб, саховат кўрсатамиз. Шу каби хайрли ва савобли ишларни қилишимиз билан Аллоҳ таолонинг даргоҳида ўз инсонийлик бурчимизни адо этган бўлиб, албатта, эвазига улур ажру мукофотларга сазовор

бўламиз. Бу борада Аллоҳ таоло бизларга қўйидаги мисолни марҳамат қилиб айтди: "Аллоҳ йўлида молларини аҳсон қилувчилар (са-вобининг) мисоли тўб бир донга ўхшайдики, у хар бир бошгоғида юзтадан дони бўлган еттита бошқонди ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада қўлайитиб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билмдон эшдир".

Азиз юртдошлар, бугунги кунда ҳаммамиз бутун дунёда рўй бераётган турли нотинчлик ва табиий офатларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жонажон юртимизда тинчлик ва оқсоқиллик барқарор бўлиб тургани, албатта, Аллоҳнинг улур неъматини, муҳтарам Юртбошимизнинг сайй-харақатлари, айни кунларда Аллоҳнинг байти атрофида Умра зияратини адо этаётган минглаб юртдошларимиз дуоларининг ижобати бўлса ажаб эмас.

Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсинки, буюк истиқлол шарофати ила юртимизда тинчлик-оқсоқиллик ҳукм сурмоқда. Бу тинчлик неъматининг қадрига етмоғимиз, уни асраб-авайлаш учун хар биримиз харақат қилмоғимиз лозим бўлади. Чунки, бу дорилмомон кунларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мана шу ҳақиқатни хар биримиз теран англамоғимиз, уни ўсиб келаётган ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўлида барчамиз ҳамкор ва ҳамжихатликда астойдил харақат қилмоғимиз лозим.

Азизлар, атиги йигирма йил муқаддам ҳайит байрамларини бундай кенг кўламда, шоду хуррамлик билан нишонлаш, имон-эътиқод, дину диёнатдан сўз очилишини ўзи амри махол эди. Истиқлол шарофати ила миллий-диний қадриятларимиз, диний урф-одатларимиз, байрамларимиз тикланди, азиз аллома аҳдоқларимизнинг ҳоқи пойлари ётган муборак қадамжолари обод этилди, зиёратгоҳлар, масжидлар таъмирланди, янги-лари барпо этилди. Шунинг учун хурматли мўмин-мусулмонлар, шундай улур кун-

ларда, дуолар мустажоб бўладиган дамларда осмонимиз янада мусоффо, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини, давлатимиз ва ҳукуватимиз раҳбарларининг эл-юрт ободлиги йўлидаги буюк ишларида куч-қувват тилайлик. Зеро, шукроналикда юртимиз гуллаб-яшнасин, тинч, оқсоқил кунларимиз бардавом, халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин, деган эзгу тилак мужжасамдир.

Азиз юртдошлар! Рамазон ҳайити – фазилатли ой рўзасини эсон-омон, соғ-саломат тугиб олганимиз учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва шукроналар ихор этиш фурсатидир. Бу кун шоду хуррамлик айёми, қутлуғ байрамдир. Бу куннинг шукрини адо этиш, ушбу шодиена кунда ҳаммамизга ардоқли ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз, улуғларимиз зиёратига бориб, уларнинг дуоларини олиш, бетиб, муҳтож кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, ёрдамга муҳтож кишиларга қўлдан келганча хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирларимизни хайит билан муборакбод этиш, эски гина-қудуратларни унутиб, силаи раҳмини ва инсоний муносабатларни тиклаб олиш ва шу тариқа Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфиратига сазовор бўлиш хар бир мусулмоннинг байрам кунларидаги энг савобли амаллари саналади. Бу кунларни азага, хафзагарчиликка айлантирмаслик керак. Утганларимизни эслаш, уларни руҳларини шод этиб, дуоини хайрлар қилишимиз яхши амал, лекин булар хайит байрами шукруига таъсир қилмаслиги лозим.

Аллоҳ таоло барчамизнинг хонадонимизга, жонажон юртимизга тинчлик, хотиржамлик, қут-баракат ила этсин, бошимиз узра меҳроқибат ва илму маърифат нуруларини ёғдиравсин.

Барчамизга Рамазон ҳайити қутлуғ бўлсин!

**Қурбонбой ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент вилояти вакили.

## ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ



## ЁШЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Оҳангарон тумани марказидаги "Адолат" маҳалласининг нафақат болалари, балки ёш кексаларининг ҳам бугун қувончлари чексиз.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллада мустақиллик байрами арафасида бирйўла туртга спорт обекти – футбол, баскетбол, волейбол майдонлари ҳамда иккита теннис корти қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу болалар спорт мажмуаси жадал суръатларда қурилиб, белгиланган муддатда фойдаланишга топширилишида, шунингдек, очилиш маросими тантанали ўтишида туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбарлари алоҳида жонбозлик кўрсатиди.

Туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси



раҳбарлари ҳамда "Адолат" маҳалласи фаоллари жами 70 миллион сўмлик сармоялари билан ҳомийлик қилган корхона, ташкилот ва муассасалар жамоаси, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарларига миннатдорчилик ихзор этдилар. "Оҳангаронгаз" филиали, "Ипотекабанк", "Руббер техникал продуктс", "Те-

мир ота" каби хусусий кичик корхоналари раҳбарларининг ҳомийлик ёрдамлари, айниқса, салмоқли бўлди.

**Собир ЗУФАРОВ**  
олган суратлар.

## ЭЪТИРОФ

### «ЎЗБЕКИСТОН – МАФТУНКОР ЮРТ ЭКАН»

Велотуризм – камхарж бўлса-да, сайёҳликнинг машаққатли турларидан. Узок йўлга эса, ишончли ҳамроҳ керак, дейишади. Гамбург (Германия)лик эр-хотинлар ҳам зиёрат, ҳам тижорат, деганларидек, шу йилнинг 1 мартида йўлга чиқишганди. Улар шундан бўён Чехия, Австрия, Словакия, Венгрия, Югославия, Болгария, Туркия, Эрон, Туркменистонни босиб ўтишди.

– Касбим – фотограф – дейди 41 яшар Андреа Крюгер. – Турмуш ўртоғим фрау Иоанна Браус архитектор. Биргалишиб топилган оилавий маблағимиз эвазига саёхат қилаёямиз. Гамбургдан Ўзбекистонга 9 минг 203 километр йўл босдик.

– 5 августда юртингизга кириб келгандик, – деб давом этди 29 ёшли фрау Браус. – Бугунгача Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлдик. 20 кун давомида

лиги, юртингиз ободлиги, қурилишлар кўплиги, бозорлар тўқин ва арзонлиги, Самарқанд нонлари, ширин-шаккар узум, қовун, тарвузлар таъми бир умр едимизда қолади. Шу сабабли Ўзбекистонда пулимиз янада тежалепти. Бундай ери, эли бор халқнинг келажаги янада буюк бўлишига биз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Жуда кўплаб диққатга сазовор шаҳар, обода ва зиёратгоҳларни тасвирга олдик. Насиб этса, Гамбургда уюштириладик "Дунё бўйлаб саёхат" суратлар кўргазмасида Ўзбекистонга алоҳида жой ажратилади. Бундай беқийс, мафтунок мамлакатни унутиб бўларканми?!

Ўзбекистонда бўлиб, водий орқали Киргизистон, Хитойга, Вьетнам, Комбонжадан Таиландга чиқамиз. У ердан насиб этса, самолёт орқали Германияга қайтаемиз.

– Юртингиздаги байрам нафасини биз ҳам сездик, – дейишди саёхатчилар. – Дуненинг ҳеч бир мамлакатига Мустақиллик байрамини Ўзбекистондагидек орзиқиб қутулиши, катта тайёргарлик қурилишига шохид бўлмагандик. Одамларнинг самимий-

## ДИЛ ИЗҲОРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бўён ўтган 20 йил давомида барча соҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, соғиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижасида шифохоналаримизда табиий хизмат даражаси ошди. Бугун улар энг замонавий ноёб ташҳис-даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Табиийёт ҳодимларининг малакаси, беморларни даволаш йўлидаги жонқуярлигини айтмайсизми?

### ХИЗМАТИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР

Мен яқинда вилоятимизнинг ихтисослаштирилган соматика шифохонасида даволаниб чиқдим. Қўлимга қалам олиб, ушбу дил сўзларимни ёзишга даъват этган ҳолат шундан иборатки, аввало, шифохонанинг ободлиги, кўрамлиги, анвойи гулларнинг чиройи кўнглини кўтаради. Бонни сайр қилсангиз, дардингиз енгиллашиб, ўзингизни бардам, тетик сезасиз. Соя-салқин йўлларда саратон кунлари ҳам хаво салқин, шабада.

Қолаверса, шифокорларнинг ўз ишини пухта билиши, меҳрибонлиги ўзгача. Бўлим мудирилари Лидия Чижова, Лариса Евдокимова, Муяссар Юсупова, бошқа ши-

фокор ва ҳамширалар эртаю кеч беморлар атрофида парвона. Айниқса, олий тоифали шифокор Муяссар Мунавварава билан ҳамшира Анжелика Майстенко беморлардан кечая кундуз ҳол-аҳвол сўраб, муолажаларни кунт билан амалга оширишларини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

Шу қутлуғ кунларда бу ажайиб шифохонанинг барча ходимлари мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан қутлайман, қўлимни кўксимга қўйиб, ширинсўз ва меҳрибонликлари учун ташаккур айтаман.

**Ҳожиакбар АЗИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийси.

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржасининг 26.08.2011 йилдаги № 19-П сонли буйруғига асосан Агрисаноат биржаси Тошкент филиали тугатилганлиги сабабли 2011 йил 8, 15, 22, 29 сентябрь ва 6, 13 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган кимшошди савдоларига Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туманлари суд ижрочилари бўлинмалари томонидан кимшошди савдосига қўйилган автотранспорт воситалари кимшошди савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "SMART-BUILDING" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Тел.: 408-11-16.

Чилонзор тумани томонидан рўйхатга олинган (СТИР 301282789) "ARSLAN SURXON INVEST" хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилганини маълум қилади. Т.: 418-84-42, 765-31-32.

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржасининг 26.08.2011 йилдаги № 19-П сонли буйруғига асосан Агрисаноат биржаси Тошкент филиали (СТИР 206852268) тугатилди.

Давло ва аризалар икки ой давомида 250-19-24 рақами телефон орқали қабул қилинади.

# Бўстонлик туманидаги «УСМОН ОТА» фермер хўжалиги

## юртимиз аҳлини Истиқлолнинг 20 йиллик шодиёнаси ҳамда Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этади.

### Ватанимиз осмони ҳамisha мусоффо бўлсин! Шу озода заминда умргузаронлик қилаётган меҳр-оқибатли, бағрикенг ва саховатли инсонларнинг эл фаровонлиги ва равнақи йўлидаги хизматларига улкан ютуқлар тилаймиз! Байрамнингиз қутлуғ бўлсин!

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.  
Эълолар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир  
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**  
Навбатчи  
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ**